O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMINING

# QARORI

220100, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi, 29-uy, tel: (62) 223-00-42, fax: 223-00-22

2022 - yil 14 - yanvar 11-12-0-Q/22 Xorazm viloyati hokimligi

## Вилоят ер ресурсларининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган ер ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунининг 10 ва 11-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси томонидан тайёрланган вилоят ер ресурсларининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган ер ҳисоботини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 15-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 10 ва 25-моддаларига асосан

**Қарор қиламан:**

1. Давлат кадастрлари палатасининг Хоразм вилоят бошқармасини 2022 йил 6 январдаги 16–сонли хати ҳамда Хоразм вилояти ер ресурсларининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган ер ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хоразм вилояти туман (шаҳар) ерларининг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича тақсимланишининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган ер ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари К.Сабиров, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Х.Жуманиязов ва Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Ўразбаевларга тегишли мутасадди вилоят ташкилотлари раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда белгиланган тартибда:

- суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тупроқ унумдор қатламини сақлаш мажбуриятлари устидан давлат назоратини олиб бориш;

- деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ерлар ҳисоботини юритиш, давлат ер кадастрини юритиш, белгиланган тартибда ер солиғини ҳисоблаш ва ундириш ҳамда ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- ерларни ҳимоя қилиш ва талон-тарожликдан сақлашга жиддий эътибор бериш;

- суғориладиган ерларни алоҳида муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда белгиланган мақсадда фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

4. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдукаримов), вилоят статистика бошқармаси (Х.Эгамов) ҳамда тегишли мутасадди корхона ва ташкилотлар ер билан боғлиқ ҳисоботларни юритишда ушбу қарор билан тасдиқланган илова асосида ҳисоб-китоб қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари К.Сабиров зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи** **К.Игамбергенов**

Хоразм вилоят ҳокимининг
2022 йил 14 январдаги
11-12-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**Хоразм вилояти туманларида ерларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича тақсимланишининг 2022 йил 1 январь ҳолатига бўлган якунлари ҳақида**

## ҲИСОБОТИ

| Ер тоифа-лари | Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар-нинг тоифалари ва ер турлари | Ердан фойдаланув-чилар сони | Умумий майдони | Экинерлар: | | Кўпйилликдарахтзорлар: | | | | | Бўз ерлар | Пичанзор-лар | Яйлов-лар | К/х ер турларининг жами: | Томорқаерлар: | | | | | Боғ ва сабзавотчилик уюшмаерлари: | Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар | Ўрмонзорлар: | | Бутазор-лар | Бошқа ерлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | жами: | Ҳолати ёмон ерлар | жами: | боғзорлар | узумзор-лар | тутзорлар | Мевали кўчатзор ва дарахтзор-лар | | | | | умумий ер майдони | экинерлар | Шундан далада | Боғ ва қам мевали дарахтзорлар | иморат б-н банд ерлар | | | жами: | тераказорлар | | |
| а | б | 1 | 2 | 3 | 3а | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 14а | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 19а | 20 | 21 |
| **1** | А).Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашлиси | 4232 | 384505 | 196720 | 26046 | 12293 | 7239 | 1109 | 3938 | 7 | 3536 | 0 | 469 | 213018 | 51241 | 38072 | 23651 | 5292 | 7877 | 0 | 1049 | 14471 | 83 | 6 | 104721 |
| | Вилоятга қарашлиси | 4232 | 384505 | 196719,6 | 26046 | 12293 | 7239 | 1109 | 3938 | 7 | 3536 | 0 | 469 | 213018 | 51241 | 38072 | 23651 | 5292 | 7877 | 0 | 1049 | 14471 | 83 | 6 | 104721 |
| | Б). Бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлар | 251 | 50893 | 4415 | 48 | 360 | 38 | 91 | 229 | 2 | 197 | | 41146 | 46117 | 61 | 50 | 26 | 1 | 10 | | | 13 | | | 4701 |
| | В). Қишлоқ хўжалиги илмий-текширув муассасалари ва ўқув юртлари | 16 | 953 | 566 | | 114 | 103 | 3 | | 8 | | | | 680 | 68 | 53 | 26 | 4 | 11 | | | | | | 205 |
| | Г). Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги корхоналари | 20 | 1519 | 1153 | | 16 | 15 | | 1 | | 15 | | | 1184 | 1 | | | | 1 | | | 5 | | | 330 |
| | Шу жумладан: қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | 1 | 10 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 10 |
| | Мудофаа вазирлиги | 1 | 6 | 6 | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | | | | | |
| | Ички ишлар вазирлиги | 2 | 63 | 56 | | | | | | | | | | 56 | | | | | | | | | | | 7 |
| | Д). Хусусийлаштирилган фермалар | 63 | 274 | 6 | | 8 | 8 | | | | | | | 14 | | | | | | | | | | | 260 |
| | **Жами қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотларининг фойдаланадиган ерлари (А,Б,В,Г,Д)** | **4582** | **438143** | **202859** | **26094** | **12791** | **7403** | **1203** | **4168** | **17** | **3748** | **0** | **41615** | **261013** | **51371** | **38175** | **23703** | **5297** | **7899** | **0** | **1049** | **14489** | **83** | **6** | **110216** |
| | Шу жумладан: ижарадаги фермер хўжаликлари | 4277 | 214443 | 167559 | 3997 | 8695 | 6951 | 897 | 181 | 43 | 1842 | | 2370 | 179841 | | | | | | | 242 | 990 | 4 | 1 | 33369 |
| | Ижарадаги хусусийлаштирилган фермалар | 1 | 16 | 15 | | | | | | | | | | 15 | | | | | | | | | | | 1 |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **2** | Аҳоли яшаш жойлари | 22 | 6339 | 8 | | 9 | 9 | | | | | | | 17 | 2281 | 933 | | 485 | 863 | 5 | | 78 | | | 3958 |
| **3** | Саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар | 8426 | 18741 | 527 | | 193 | 114 | 4 | 4 | 71 | | | 44 | 764 | 105 | 80 | | 7 | 18 | 86 | | 1785 | | | 16001 |
| **4** | Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар | 36 | 21700 | 30 | | 28 | 27 | | | 1 | | | 16710 | 16768 | | | | | | | | 3067 | | | 1865 |
| **5** | Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар. | 13 | 89 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 89 |
| **6** | Ўрмон фонди ерлари | 11 | 88375 | 1206 | | 62 | 4 | | | 58 | 21 | 7 | 50917 | 52213 | 12 | 9 | | 1 | 2 | | 6 | 32437 | 6 | | 3707 |
| **7** | Гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ҳамда канал бўйидаги ерлари | 415 | 23364 | 666 | | 71 | 42 | 1 | 28 | | 7 | | | 744 | 82 | 75 | 43 | 1 | 6 | | 6 | 96 | | | 22436 |
| **8** | Захира ерлар | 8 | 11407 | 13 | | | | | | | | | | 13 | 5 | 3 | | | 2 | | | 1714 | | | 9675 |
| | **Жами ерлар (12,15,18,22,23,24,28,29 сатрлар)** | **13513** | **608158** | **205308** | **26094** | **13154** | **7599** | **1208** | **4200** | **147** | **3776** | **7** | **109286** | **331531** | **53856** | **39275** | **23746** | **5791** | **8789** | **91** | **1061** | **53666** | **89** | **6** | **167947** |
| | Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидан ташқари фойдаланадиган ерлар | 14 | 2972 | 1681 | | | | | | | 38 | | | 1719 | | | | | | | | 30 | | | 1223 |
| | **Туман, вилоят, республика маъмурий чегараларидаги жами ерлар (30,31,32 сатрлар)** | **13499** | **605186** | **203627** | **26094** | **13154** | **7599** | **1208** | **4200** | **147** | **3738** | **7** | **109286** | **329812** | **53856** | **39275** | **23746** | **5791** | **8789** | **91** | **1061** | **53636** | **89** | **6** | **166724** |